

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 13/03-18-71

« 11 » 03 2019 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири
А.Қ.Шодмоновга

Депутат сўрови

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида депутат ва сенаторлар олдида бир қатор аниқ вазифалар қўйди. Яъни - ҳар бир ҳудаддан сайланган депутатлар ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши ва тегишли хулоса бериши зарурлиги ҳақида топшириқ берилган эди.

Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнинг сўнги 10 кунда ўз округларига чиқиб, сайловчилар билан учрашувлар ва тегишли соҳалар бўйича ўрганилишлар ўтказмоқдалар.

Жорий йилнинг 26 февраль кунидан 2 март кунигача 71-Жарқўрғон сайлов округимда учрашувлар ўтказдим. Ўрганишлар давомида Сизнинг соҳангизга оид муаммолар ҳам кўтарилди. Жумладан:

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги бир гуруҳ сайловчилар Жарқўрғон ТТБ Сурхон ҳудудий бўлимининг меҳнат жамоаси бўлимининг 2015 йилда капитал таъмирланганлигини айтишди. Лекин маблағ етишмаслиги туфайли бўлимининг поликлиника, ошхона, кир ювиш хоналари таъмирланмай қолиб кетганлигини, қаттиқ, юмшоқ жиҳозлар етишмаслигини, давр талабига жавоб берадиган асбоб ускуналарнинг йўқлигини, қолаверса, ҳудудий бўлимининг туман марказидан 30км узоқда жойлашганлиги сабабли ишчи ва хизматчиларга ноқулайлик туғилаётганлигини инобатга олиб, ҳуқуқий мақомини тиклашда амалий ёрдам сўраб мурожаат этишди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган жавобда: “ Худудий бўлимнинг ошхона, кир ювиш хонаси, поликлиника бўлимларини 2018-2019 йилларда Инвестиция дастури асосида реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириб, кўшимча равишда замон талабларига мос тиббий жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилганлиги” баён қилган.

Жорий йилнинг февраль ойида бўлган учрашувда сайловчилар мазкур масалани яна кўтаришиб, Сурхон худудий бўлими Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан берилган жавобга асосан 2018-2019 йилларда Давлат дастуридан қолиб кетганлигини, қурилиши якунига етказилмаган объект хисобланишини масъул шахслар тамонидан бирон бир ҳаракат қилинмаганлигини юзасидан шикоят қилишди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунининг 12-моддаси, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, Сиздан 2018-2019 йилларда Инвестиция дастуридан қоли кетиш сабаблари ҳамда муаммоларнинг ҳал этиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида ўн кун ичида асослантирилган жавоб беришингизни сўрайман.

Илова 1 варақда.

**Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты**



Т.Ю.Норбаев